

САРҲИСОБ

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Халқимизда, йил-йилга ўхшамас, деган ажойиб нақл бор. Буни ҳар томонлама кенг маънода қабул қилиш, тушуниш, мушоҳада қилиш мумкин. Бутун бир давлат мисолида сўз борганда эса бу нақла шу юртнинг ободлиги, ахолисининг ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан бекамӯ-кўстлигига караб баҳо берилади. Фикримизни мухтасар килиб, муддаога кўчадиган бўлсак, давлатимизни ана шундай тоифага тўла жавоб берадиган давлатлар каторига бемалол кўшиш мумкин. Зеро, жаҳон рейтингларида Ўзбекистоннинг энг тез ривожланадиган давлатлар орасида 5 ўринни банд этганинг ўзи ҳам фикримиз исботидир. Бу хақда Юргашимиз Вазирлар Махкамасининг 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши якунлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган йигилишида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилар.

Иқтисодиётимизнинг барча тармоклари сингари мамлакатимизда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизими йилдан-йилга ривож топиб бормоқда. Аслида маҳсулот сифатини таъминлаш, истеъмолчи талабига мос, ҳар томонлама қулай, хавфсиз товарлар ишлаб чиқариши доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Республикаимизда фаолият кўрсагаётган маҳаллий ва кўшма корхоналар, тадбиркорлик субъектларида тайёрланиб, ичики ва ташки бозорга етказиб берилаётган маҳсулотлар сифатини бир маромда таъминлаш “Ўстандарт” агентлиги ва унинг тармоқ ташкилотлари оддига ҳам етарли масъулият юклайди. Айниқса, маҳсулотларни жаҳон стандартлари талаблари даражасида ишлаб чиқариши йўлга кўйиш максадида корхоналарда сифатни бошқариш тизимларининг жорий этилаётгани иқтисодиётимиз ривожида мухим омил бўлмоқда. Президентимизнинг корхоналарда сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш тўғрисидаги Карори асосида ишлаб чиқилган жадвалга кўра 2015 йил учун тасдиқланган тармоқ жадвалига киритилган 748та корхонада сифатни бошқариш тизими жорий этилиб, сертификатлаштирилди



ва бу борада белгиланган кўрсатгичлар тўлиқ бажарилди. Натижада, давлат реестрига киритилган корхоналар сони 2227тага стказилиб, 2323та мувофиқлик сертификати расмийлаштирилди. Агентлик томонидан “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази билан биргаликда 2015 йил 11 февралда Интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ягона портали (ЕПИГУ) орқали “Ариза бериш ва менежмент тизими мувофиқлик сертификатини олиш” интерактив хизмати амалга оширилган алоҳида аҳамиятта эгадир. Айнан ана шулар тўғрисида “Ўстандарт” агентлигининг 2015 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йигилишида ҳам батағсил тўхталиб ўтилди.

Йигилишида агентлик тизими корхоналари томонидан ўтган йили бажарилган ишлар ҳажми 52,8 млрд. сўмни ташкил этиб, бу 2014 йилнинг шу даврига нисбатан таъқосланганда 25,4 фоиз ўсишга эришилгани, 139575та мувофиқлик сертификати расмийлаштирилгани (шундан худудий ССМлар 52778та сертификат, жумладан 5742таси тан олиш ва 528таси декларациялаш ўюли билан) таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, 17та сертификатлаштириш идораси, 80та синов лабораторијаси, 16та метрология хизматлари кўрсатиш, 5та сифат тизимларини сертификатлаштириш идораси ҳамда 7та инспекция идораси аккредитация килинган холда 296та мувофиқликни баҳолаш идораларида инспекция назорати ўтказилди.

Ўтган йил мобайнида 2 млн. 23 минг 395 дона ўлчов воситалари киёсланган бўлиб, улардан 9050 донаси кўллашга яроқсиз деб топилди ва уларнинг кўлланилиши тўхтатилгани ҳам соҳа ходимларининг самарали ишидан далолат беради. Агентлик қошида ташкил этилган маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш Бюроси томонидан 2015 йил давомида 1539та корхона ва тадбиркорлик субъектларига уларнинг мурожаати бўйича кон-



сультатив хизматлар кўрсатилгани ҳам юртимизда экспорт салоҳияти ошишига кўшилган ҳисса бўлди, дейиш мумкин. Шу билан бирга тасдикланган режага мувофиқ 128та хўжалик юритувчи субъектда давлат назорати ўтказилиб, 225 турдаги маҳсулот ҳамда 19187та ўчлов воситалари текширилиб, ўчлов воситаларининг 1043 донаси истеъмолга яроқсиз деб топилди. Натижада 148 нафар шахс маъмурй жавобгарликка тортилиб, уларга нисбатан 28832,7 минг сўм жарима кўлланилгани тўғрисида ҳам йигилишда сўз борди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ҳамда “Ўстандарт” агентлигининг 2015 йил 23 октябрданги 574-сонли буйргуни ижросини таъминлаши максадида “Ўстандарт” агентлиги миңтақавий марказларининг синон лабораторияларини ҳалкаро дараҷада аккредитациядан ўтказиш бўйича Республика ССМ ДК кошидаги электротехника синон лабораторияси, Тошкент шахар ССМ ДК кошидаги кимё-биология лабораторияси ҳамда Қашқадарё ССМ ДК кошидаги қурилиш маҳсулотларини синаш лабораториясини ҳалкаро аккредитациядан ўтказиш бўйича харакат дастури ишлаб чиқилиб тасдикланди.

2015 йилда жами 1999та норматив ҳужжат ва уларга киритилган ўзгартирishлар давлат рўйхатига олиниши ҳисобига агентлигининг норматив ҳужжатлар давлат фонди 110бта ГОСТ Р, 1363та ГОСТ ва 399та ИСО, жами 2868та янги норматив ҳужжатлар билан тўлдирилди. Техник регламентларни ишлаб чиқиши дастурига асосан Зта умумий техник регламент тасдикланди, 5та умумий техник регламент Вазирлар Маҳкамасига тасдиклаш учун киритилди ва жами қабул килинган техник регламентлар сони 10 тага етказилди.

Йигилишда ўтган йил мобайнида амалга оширилган ишлар билан бир каторда айrim камчиликларга йўл қўйилгани ҳам айтиб ўтилди. Жумладан, Қоракалпоғистон СМБ томонидан ўтказилган инспекция назорати далолатномасида дастурда белгиланган барча талабларнинг лаборатория томонидан бажарилиши ёритилмагани, Зта лабораториянинг инспекция назорати далолатномаси ва номувофиқлик баённомаси бир хил (шаблон сифатида) расмийлаштирилгани, Тошкент вилояти СМБ томонидан ўтказилган инспекция назорати далолатномасида дастурда белгиланган барча талабларнинг калибрлаш лабораториялари томонидан бажарилиши тўлиқ ёритилмагани, комиссия таркибига соҳа бўйича мутахассис жалб этилмагани сабабли лабораториялар учун белгиланган техник талаблар тўлиқ текширилмагани айтиб ўтилди. “Ўстандарт” агентлигининг 2013 йил 26 январда бўлиб ўтган Ҳайъат йигилишининг қарорига кўра ҳудудий СМБларда фаoliyat юритаётган давлат назоратчилари 2013 йилнинг 1 июнига қадар эксперт-аудитор унвонига эга бўлишлари учун аттестатланиши белгиланган бўлсада, афсуски бу вазифа Бухоро, Сурхондарё ва Сирдарё СМБлар томонидан ҳанузгача бажарилмаган. Сифат тизимларини жорий этиш бўйича Қоракалпоғистон, Андижон, Жиззах, Фарғона, Бекобод ва Чирчиқ марказлари томонидан оммавий аҳборот воситалари орқали старлича чиқишилар амалга оширилмагани кайд этиб ўтилди. Агентлик ва уннинг ҳудудий ташкилотлари томонидан истеъмолчилар ҳамда тадбиркорларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Биргина ўтган йил натижаларига кўра агентлика жисмоний ва юридик шахслардан 191та ёзма (ягона интерак-



тив давлат хизматлари порталидан 153та), 248та оғзаки ва ишонч телефонига 9 маротаба мурожаат бўлгани бунинг исботидир. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари томонидан 2015 йилда тасдикланган жисмоний ва юридик шахсларнинг сайёр қабул жадвалига асосан Қоракалпоғистон Республикасининг Қўнғирот, Хоразм вилоятининг Урганч, Андижон вилоятининг Хўжаобод туманлари, Сирдарё, Гулистан, Когон, Кармана, Наманганд, Самарқанд, Термиз, Жиззах, Чирчиқ, Ангрен, Фарғона, Кўкон шахарларида жисмоний ва юридик шахслар учун агентлигининг сайёр қабуллари ташкил этилди.

Йигилиш сўнггида амалга оширилган ишлар таҳдили ва 2016 йилда бажарилиши лозим бўлган тадбирлар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Унга кўра бир ой мuddатда агентлик тизимидағи барча корхона ва ташкилотларда расмий веб-сайтлар мавжудлиги ва ушбу веб-сайтларни замон талабларига жавоб бериши ёки бермаслиги юзасидан таҳдил ўтказиш, 2016 йил якунига кадар эса “ШКМ” ДК билан биргаликда расмий веб-сайтларни замон талаблари дараҗасида янгилаш чоралари кўрилиши, расмий веб-сайтда кўрсатилётган хизматлар бўйича аризаларни он-лайн тарзда қабул килиш механизми йўлга кўйилиши, шунингдек 2016 йилдан бошлаб агентлик тизимидағи барча корхона ва ташкилотлар томонидан жорий этиладиган ҳамда ҳарид килинадиган барча турдаги электрон дастурлар, орттехника воситалари “ШКМ” ДК билан келишилган ҳолда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари агентлигининг масъул ташкилотларига 10 кун муддатда 2015 йилнинг 1 декабряда Аддия вазирлигига рўйхатдан ўтказилган 2736-сонли “Маший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини қиёслашдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларини тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаши максадида ҳудудларда семинарлар ташкил этиш режа-жадвали тасдиклангани ва унга кўра тегишли тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

Шунингдек йигилиш сўнггида яна бир муҳим масала, яъни агентлик тизими ташкилотларини мутахассислар билан таъминлаш, улар билан ишлаш, малакасини ошириш ҳамда уларни жой-жойига кўйиш борасида муайян ишларни йўлга кўйиш ҳақида тўхталиб ўтилди.

Материал «Ўстандарт» агентлиги матбуот хизмати билан ҳамкорликда тайёрланди.

